*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН · № 107 (9093). · 1987 йил 6 июнь · шанба · Баҳоси 3 тийин.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 4 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг 28—29 май кунлари Берлинда бўлиб ўтган навбатдаги кенгаши якунларини муҳокама қилди.

Сиёсий бюро кенгашда М. С. Горбачев бошчилигидаги совет делегацияси бажарган ишни маъқуллади. Варшава Шартномаси мамлакатларининг ҳарбий доктринаси тўғрисидаги ҳужжат юксак баҳоланди ва қўллаб-қувватланди. Бу ҳужжат социализм ҳарбий стратегиясининг мудофаа характерини аниқ ифода этади, Варшава Шартномаси ташкилоти билан НАТО ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга, Европада ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқаро воқеаларга ва қардош мамлакатлар биргаликда ҳал этишлари лозим бўлган вазифаларга ёндашувда уларнинг бирлиги Берлинда яна намоён бўлди. Сиёсий бюро халқаро муносабатлар муҳитида кўп жиҳатдан социалистик давлатларнинг ташаббуслари билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар рўй берганлигини қайд этиб, Ғарб ана шу ташаббусларга жавоб қайтаришни асоссиз равишда пайсалга солаётганлигини таъкидлади. Бу ташаббуслар Европа халқларини ҳаяжонга солаётган проблемаларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, булар орасида Европадаги ўртача оралиқ ва оператив-тактик ядровий ракеталарни тугатиш, қўққисдан ҳужум хавфини чеклаш зарурати биринчи ўринда туради.

СМК кенгашида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамкорлик механизмини, ўзаро ахборот бериб туриш, маслаҳатлашувлар ҳамда баҳамжиҳат ҳаракат қилишнинг бошқа формаларини такомиллаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

28 май куни Берлинда М. С. Горбачевнинг Э. Хонеккер билан суҳбати чоғида эришилган аҳдлашувлар маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 25—27 май кунлари Руминия Социалистик Республикасига қилган расмий дўстлик визитининг якунлари, унинг РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан олиб борган музокараларининг натижалари кўриб чиқилди. Визит партияларимиз билан халқларимизни бирлаштириб турган дўстлик ва қардошларча бирдамлик туйғуларини ифода этди, сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий соҳалар ҳамда бошқа соҳалардаги Совет-Руминия алоқалари ва ҳамкорлиги бутун комплексини янада ривожлантириш йўлларини белгилаш имконини берди, икки қардош мамлакат халқлари тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун курашда фаол, баҳамжиҳат ҳаракат қилишга азму-қарор берганлигини кўрсатди.

Сиёсий бюро мажлисида атом энергетикасини ривожлантиришнинг техникавий даражасини ошириш, унинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар комплекси кўриб чиқилди.

Пишиқ-пухталиги ва тежамлиги жиҳатидан юксак даражада бўлган реактор установкаларини ва янги туркумдаги атом станцияларини барпо этиш, АЭС машина-ускуналарининг сифатини ва уларнинг ишлаш ресурсини ошириш, уларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш вазифалари белгиланди. Лойиҳа-қидирув ишларини тубдан яхшилаш, атом станциялари лойиҳаларини унификациялаш, уларнинг қурилишини, моддий-техника таъминотини такомиллаштириш, машина-ускуналар комплект ҳолда етказиб берилишини таъминлаш, қурилиш индустриясининг базасини ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш белгиланди. Ишлаб турган ва барпо этилаётган атом электр станцияларида тегишли тадбирларни амалга ошириш мўлжаллаб қўйилди.

Сиёсий бюро ўн иккинчи беш йилликда саноат темир йўл транспортининг моддий-техника базасини мустахкамлаш юзасидан ҳукумат ишлаб чиққан таклифларни маъқуллади. Юк ташишни бошқариш автомат системаларини жорий этиш, министрликлар ва идоралар транспорт бўлинмаларининг темир йўллар билан баҳамжиҳат ҳаракатини кучайтириш чоралари белгиланди. Локомотивлар, вагонлар ва йўл машиналарининг янги типларини яратиш, қўл меҳнатини камайтириш, юк тушириш комплексларини, ҳаракат составини ремонт қилиш объектларини барпо этиш, шунингдек эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилмоқда. 1991—1995 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда саноат темирйўл транспортини янада ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқиш зарур, деб топилди.

Социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда прокурор назорати ролини ошириш чоралари тўғрисида қарор қабул қилинди. Сиёсий бюро СССР прокуратураси қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаши лозим бўлган давлат органлари системасида ғоят муҳим ўрин тутишини қайд этиб, кейинги йилларда экономика соҳасида қонунларга риоя этилиши устидан назорат даражаси пасайиб кетганлигини, гражданларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тегишли даражада ҳимоя қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида ҳуқуқий нормаларга қатъий риоя этилиши ҳамиша ҳам таъминланавермаганлигини уқтириб ўтди.

Сиёсий бюро прокуратура ишини тубдан қайта қуриш, прокурорлар совет қонунлари, давлат манфаатлари, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари посбонлигида қаттиқ туришлари, принципиал ва қатъий ҳаракат қилишлари, жиноятчиликка ва бошқа хил ҳуқуқни бузиш ҳолларига қарши актив кураш олиб боришлари учун прокуратура фаолиятининг услуби, форма ва методларини қатъиян яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Прокуратура ўз ишини ошкоралик шароитида, кенг жамоатчиликка таянган ҳолда олиб бориши, одамларнинг тақдирига нисбатан тошбағирлик билан муносабатда бўлиш фактларига, бюрократизм, маҳкамачилик кўринишларига, танқидни бўғиш ҳолларига, қайта қуриш ва жамиятни маънавий соғломлаштиришга тўсқинлик қилаётган барча иллатларга қарши муросасиз курашиши лозим.

Прокуратура органларига асосий диққат-эътиборни министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бошқа мансабдор шахслар, барча гражданлар қонунларга риоя этишдан иборат ўз бурчларини қандай бажараётганликлари устидан таъсирчан назоратни амалга оширишга, қонунчиликни бузиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаб, уларга чек қўйишга қаратиш тавсия этилди. Шу муносабат билан прокуратура органларига қўшимча ваколатлар бериш зарур, деб топилди.

А. Ф. Добрининнинг Ҳиндистонга сафари, Бош министр Р. Ганди ва Ҳиндистоннинг бошқа раҳбарлари билан суҳбатлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. М. С. Горбачевнинг 1986 йил ноябрида Деҳлига қилган визити вақтида эришилган Совет-Ҳиндистон аҳдномаларини изчиллик билан рўёбга чиқариш, иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати, тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатлари йўлида СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш муддаоси таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатга доир бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## М. С. ГОРБАЧЕВ Н. Д. ТИВАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

М. С. Горбачев 4 июнь куни кечқурун Кремлда Ҳиндистон ташқи ишлар министри Н. Д. Тиварини қабул қилди. Н. Д. Тивари Ҳиндистон Бош министри Ражив Гандининг шахсий мактубини КПСС Марказий Комитети Бош секретарига топширди. Совет-Ҳиндистон муносабатларининг ривожидаги янги босқичга хос ишонч ва чуқур ҳамжиҳатлик руҳида халқаро аҳамиятга молик актуал масалалар юзасидан муҳим ахборот айрибошланди ва ана шу масалаларни ҳал этишга нисбатан энг мақсадга мувофиқ ёндашувлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(ТАСС).

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЬ партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида пассажирларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш юзасидан пассажирлар ташиш область автотрести корхоналари партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, бошланғич партия ташкилотларининг, корхоналар раҳбарларининг бу йўналишдаги фаолияти КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми талабларига мос келмайди. Автокорхоналарда салбий ҳолатларга қарши муросасиз кураш олиб борилмаяпти. Ўтган йил ва 1987 йилнинг тўрт ойи ичида трест бўлинмаларида пассажирлар ташиш қоидалари 2,5 минг мартадан ортиқ бузилганлиги аниқланди, бажарилмаган ишлар ҳажмини ошириб ёзишлар давом этмоқда, молия ва моддий ресурслардан фойдаланишда жиддий бузилишлар, меҳнатсиз даромад қилиш фактлари аниқланди. Чирчиқ автобус паркида директор Р. Х. Ахмадеев 19,2 миллион, Тошкент область шаҳарлараро пассажирлар ташиш автопаркида директор К. В. Йўлдошев — 2,1 миллион, Калинин автотранспорт корхонасида директор И. К. Ғоипназаров — 1 миллиондан ортиқ, Оққўрғон автокорхонасида директор Э. Н. Назаров — 87 минг пассажир-километрни қўшиб ёзган. Улар давлат ҳисоб-китобини чалкаштирганлар, молия интизоми бузилишига йўл қўйганлар.

Бошланғич партия ва касаба союз ташкилотларида интизом, ҳайдовчиларнинг меҳнат режими ва дам олишининг бузилиш ҳолларига юз бераётганлигига қарамай жиддий талаб қилинмаган. Шу йилнинг биринчи квартали ичида трест бўйича прогуллар тўртдан бир ҳисса, иш вақтининг йўқотилиши 2,5 баравар кўпайди. Айни вақтда нормадан ортиқча ишлаш 17 процентга ортди.

Ҳайдовчилар ва линиядаги ходимларнинг нормал маиший шароитларини яратишнинг кўпгина масалалари ҳал қилинмаяпти. Трест социал-иқтисодий тараққиётининг перспектив плани конкрет амалий тадбирлар билан мустаҳкамланмаган, пассажир транспорти ишини интенсивлаштиришнинг етилган масалалари ҳал қилинмаяпти.

Трест корхоналари ишлаб чиқариш базаси билан етарли даражада таъминланмаган, ҳар уч корхонадан бири мослаштирилган биноларга жойлашган. Шаҳар атроф автостанциялари, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, «Чимён» дам олиш зонасидаги вокзаллар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, шунга қарамай ўн иккинчи беш йилликда уларни лойиҳалаш ва қуриш планлаштирилмаяпти. Кейинги йиллар давомида автотрест базани ривожлантиришга йилига атиги 1—2 миллион сўм атрофида маблағ сарфлаяпти. Бундай суръат билан базани нормативларга мос ҳолга келтириш учун 15—20 йил талаб қилинади. Трест раҳбарлари бу муаммони ҳал этишда автомобиль транспорти министрлигига етарлича қатъийлик кўрсатмаяптилар, халқ депутатлари Советлари билан ёмон ҳамкорлик қилмоқдалар.

Трест бўлинмаларининг партия ташкилотлари, раҳбарлари кадрлар билан ишлашда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўймоқдалар. Трестда шу вақтгача хўжалик юритишнинг иқтисодий методлари жорий қилинмаган, ички хўжалик ҳисоби қўлланилмаган, ҳайдовчилар ҳар беш бригадасидан атиги биригина пудрат усулида ишламоқда, уларнинг учдан бир қисми ҳаракат мунтазамлиги, даромадлар, меҳнат унумдорлиги планларини бажармаяпти. Чирчиқ автотранспорт корхонаси, Тошкент область автопаркида қолоқ бригадалар айниқса кўп.

Автобусларнинг доимо кеч келиши, рейсларнинг амалга оширилмаслиги, пассажирларга хизмат кўрсатиш савиясининг ёмонлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлмоқда. Транспортда авариялар кўпаймоқда. Автокорхоналарда ҳаракат составининг техник ҳолати яхши эмас. Трест, республика автотранспорт министрлиги шаҳарлараро юмшоқ автобуслар паркини янгилаш масалаларини ҳал қилмаяптилар.

Бу ва бошқа нуқсонлар область партия комитетининг транспорт ва алоқа, қурилиш бўлимлари, шаҳар ва район партия комитетлари аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг аҳволини назорат қилишни сусайтириб юборганликлари, кадрлар билан мустаҳкамлаш, йўлларнинг ҳолатига, пассажир транспортининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, социал масалаларни ҳал этишга эътиборни сусайтириб юборганликлари оқибатидир.

Қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, давлат ва молия интизомини бузиш ҳолларига йўл қўйганликлари учун область партия комитетининг бюроси Чирчиқ автобус паркининг директори Р. Х. Ахмадеевни, Калинин автобус паркининг директори И. К. Ғоипназаровни, Оққўрғон автобус-таксомотор паркининг директори Э. Н. Назаровни КПСС сафларидан ўчирди ва бундан кейин уларни раҳбарлик лавозимларида ишлашларини мақсадга мувофиқ эмас деб топди. Тошкент область шаҳарлараро пассажир ташиш автобус паркининг директори К. В. Йўлдошевга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди, у эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Қўшиб ёзишлар, ҳисоб-китобдаги чалкашликлар, давлат ва молия интизоми бузилишларига йўл қўймаслик учун етарли тадбирлар кўрмаганлиги, контроллик қилмаганлиги учун Тошкент область автотрести бошқарувчиси Ф. Т. Парпихўжаев, унинг ўринбосарлари А. А. Мадалимов ва Т. М. Мирзабоевга область партия комитети бюроси ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилди. А. А. Мадалимов ва Т. М. Мирзабоевдан бундан буён раҳбарлик лавозимларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилди.

Ленин район партия комитетига пассажирлар ташиш область автотрести ва «Узавторемонт» ремонт ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқа коммунист раҳбарларининг партиявий жавобгарлигини кўриб чиқиш ва аниқлаш топширилди.

(Давоми 2-бетда).

## НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМ ОЛДИДАН

**ОБЛАСТЬ партия комитетининг бюроси область партия комитетининг навбатдаги VII пленумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу пленум партияга қабул ва партия сафларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилади.**

**Область партия комитети область коммунистларига, меҳнаткашларига мурожаат қилиб, партияга қабул ва коммунистларни тарбиялаш ишининг савияси ҳозирги давр талабларига қанчалик мувофиқ келиши ва уни яхшилаш учун нималар қилиш зарурлиги тўғрисида ўз таклифлари, фикрларини билдиришни илтимос қилади. Бу таклиф ва фикрлар пленум материалларини тайёрлашда ҳисобга олинади.**

**Таклиф ва мулоҳазалар билдирилган хатларни «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига юборинг.**

**Редакциянинг адреси: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Ёки область партия комитетининг ташкилий-партиявий ишлар бўлимига юбориш мумкин. Адрес: 700000, Тошкент, Ўзбекистон проспекти, 9.**

## • ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ •





### ЭГАТ ОРАЛАБ

**БЎКА РАЙОНИДАГИ «Партия XXVI съезди» совхозининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Шароф Ойдинов етакчилик қилаётган бригада пайкалларида агротехник тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Жумладан, айни пайтда ғўзага сув қўйиш ишлари намунали олиб борилаётир. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда коллектив аъзолари мавжуд 58 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олишни кўзлашмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: ғўзаларга оби-ҳаёт таралмоқда; (ўнгда) бригада сувчиси Иброҳим Рамазонов иш устида.**

**А. Зуфаров фотолари.**

### ҲУРМАТ ТАХТАСИ

**Пилла етиштириш ва давлат сотиш планини бажарганликлари учун қуйидагилар «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.**

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

**«Ленинизм» колхози** (раиси Т. Набиев, партия ташкилотининг секретари А. Баротов, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Йўлдошев, комсомол ташкилотининг секретари Ю. Ўринбоев, пиллачилик бўйича агротехник Ф. Гойлиева).

**«Оққўрғон» совхози** (директори А. Ковшутов, партия ташкилотининг секретари А. Қурбонов, касаба союз ташкилотининг раиси Н. Иброҳимов, комсомол ташкилотининг секретари Ш. Абдураҳмонов, пиллачилик бўйича агротехник М. Нуриддинов).

ОҲАНГАРОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

**Будённий номли совхоз** (директори Б. Попов, партия ташкилотининг секретари Н. Қамбаров, касаба союз ташкилотининг раиси Ф. Ҳусниддинов, комсомол ташкилотининг секретари М. Номозбоева, пиллачилик бўйича агротехник Ҳ. Аҳмедов).

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎЙИЧА

**«Коммунизм» колхози** (раиси С. Ҳолбеков, партия ташкилотининг секретари У. Элмуродова, касаба союз ташкилотининг раиси Ҳ. Қўзибоев, комсомол ташкилотининг секретари Б. Холиқулов, пиллачилик бўйича агротехник Д. Худойбергановa).

**«Авангард» совхози** (директори Н. Маматқулов, партия ташкилотининг секретари Т. Мамадалиев, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Қўшматов, комсомол ташкилотининг секретари Г. Сотиболдиев, пиллачилик бўйича агротехник Ҳ. Матқосимов).

ҒАЛАБА РАЙОНИ БЎЙИЧА

**Энгельс номли колхоз** (раиси Р. Пак, партия ташкилотининг секретари М. Аҳадов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Ким, комсомол ташкилотининг секретари А. Матўраев, пиллачилик бўйича агротехник Э. Каримқулов).

### ИЛҒОР ТАЖРИБА АСОСИДА

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ

— МЎЛ ОЗУҚА базаси пилла ҳосили учун мустаҳкам замин эканлиги ҳаммага маълум, — дейди Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози раиси Абдиқаҳҳор Абдужамилов.— Ҳар йили тутзорлардаги барглар йиғиштириб олинишни билан келгуси йил тараддудини бошлаб юборамиз. Бу яхши натижа беряпти. Колхозчиларимиз барг танқислигига учрамай, қурт боқиш имконига эга бўлмоқдалар, кўзланган мақсадга эришмоқдалар. Шу кунгача 21 тоннадан ортиқ пилла топширдик. Йиллик план ортиғи билан бажарилди.

...Ҳақиқатан ҳам район хўжаликларида пилла қуртининг озуқа базасини мустаҳкамлашга, илғор тажриба ва технология, фан ютуқлари, прогрессив усулларни кенг жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Бу — ютуқлар омили бўлмоқда. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилган оржоникидзеликлар дастлабки ютуқни қўлга киритдилар. Қабул пунктларига 153 тонна яъни пландагидан анча кўп хом ашё топширилди.

Р. Мусамуҳамедов номли совхоз биринчилардан бўлиб ғалаба рапортига имзо чекиб, район ютуғига муносиб улуш қўшди. Хўжаликда 140 қути қурт уруғи боқилди. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, унга ҳақ тўлашнинг прогрессив усули социалистик мусобақанинг асосий банди қилиб олинди. Натижада хўжалик пиллакорлари пландаги 6 тонна ўрнига 6,4 тонна маҳсулот етиштирдилар. Унинг қарийб ҳаммаси юқори нав билан ўтди.

Совхознинг Жамол Жўраев бошлиқ бригадасининг Энвер Муродов, Манзура Қамбарова, Тешабой Бобоев сингари аъзолари ҳар қути уруғ ҳосилдорлигини 80—90 килограммга етказдилар.

— Хўжалигимиз пиллачиликдан зарар кўриб келарди. Бу йил аҳвол ўзгарди. Пландан ташқари топширилган маҳсулот учун олинадиган фойда ҳисобига уни янада ўнглаб оламиз, — дейди совхоз партия ташкилотининг секретари И. Йўлдошев. — Бундан буён бу соҳага кетадиган сарф-харажатларни камайтириш, ишни прогрессив усул — оила пудратига кўчириш ҳисобига рентабелликка эришамиз.

«Правда» колхози райондаги энг йирик хўжалик ҳисобланади. Колхоз пландаги 22,5 тонна ўрнига 24 тоннадан ортиқ қимматбаҳо ҳосил етказиб берди.

— Хўжалигимиз уруғчиликка ихтисослашган, — дейди агротехник Хуринисо Эргашева. — Бу тадбиркорлик билан иш тутишни, асосий эътиборни сифатга қаратишни тақозо қилади. Бунда бизга хўжалигимизда кенг жорий қилинган оилавий пудрат жуда қўл келмоқда.

Колхознинг Абдували Пўлатов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 42 қути қурт уруғини парваришладилар. Ҳосилдорлик ўртача 80 килограммга етди. Жумладан, Сора Ўрозбоева оиласи 3 қутидан 250 килограмм, Абдуқаҳҳор Усмонов оиласи 3 қутидан 247 килограмм пилла етиштирди.

Шунингдек, пландаги 16,1 тонна ўрнига 19,4 тонна хом ашё етказиб берган «Коммунист» ва бошқа хўжаликлар ҳам райoннинг пилла хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар. Айни кунларда хўжаликларда давлатга маҳсулот топшириш давом этмоқда. Район пиллакорлари яна 5 тонна ҳосил етказиб бериш учун курашмоқдалар.

**А. ФОЗИЛОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.**

### ҲАМОН ҲОСИЛ КЕЛМОҚДА

ТОШКЕНТ РАЙОНИ

ИНЖИҚ КЕЛГАН баҳор деҳқончилик юмушлари қаторида Тошкент райони пиллакорлари учун ҳам анча ташвишли бўлди. Лекин, райoннинг тадбиркор, ўз ишига пухта пиллакорлари 3100 қути қурт уруғини агротехника қоидалари асосида ва тажрибали пиллакорлар маслаҳатига амал қилиб парваришладилар.

Ғалвир сувдан кўтарилди... План ошиғи билан адо этилди. Улар давлатга 168 тонна ўрнига 173 тонна юқори сифатли «кумуш тола» етказиб бердилар.

Район меҳнаткашларининг қўлга киритган муваффақиятида, айниқса, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози пиллакорларининг самарали улуши бор. Колхоз пиллабоқарлари пландаги 35 тонна 60 килограмм ўрнига 38 тонна 130 килограмм пилла ҳосили топширдилар.

Шу ўринда район пиллахонаси бош агрономи М. Ҳамидовнинг бу хўжалик ҳақида айтган сўзларини эшитинг:

— Хўжалик пиллабоқарлари деярли ҳар йили зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этиб келмоқдалар. Бунинг асоси — энг аввало колхознинг 100 гектар майдонда тут плантацияси борлиги. Улар кеч куздаёқ тутзорларни озиқлантириб, шох-шаббаларни бутаб, суғориб қўйишни канда қилишмайди.

Райoннинг Навоий номли колхози аъзолари ҳам бу йилги мавсумда бўш келишмаяпти. Колхознинг Ҳамида Юнусова оилавий звеноси аъзолари чакки ишлашмади. Натижада, улар бир қутидан 106 килограмм, Тўти Бектемирова оилавий звеноси бир ярим қутидан 160 килограмм ҳосил етиштирди.

Бош пиллахона директори С. Тожибоев билан идорани айландик. Ёйиб қўйилган ва қуритилаётган оппоқ пиллани кўрсатиб, бу йил қорапўчоқнинг бўлмаганлигидан мамнун бўлиб гапирди.

— Айниқса,— деди у,— Карл Маркс номли колхоз аъзолари бу йил ҳар йилдагига қараганда яхши ишлашди. Улар 11 тонна 700 килограмм ўрнига 12 тонна 865 килограмм пилла топширишди. Ҳозир колхоздан қўнғироқ қилишди. Улар юз килограммга яқин ҳосил келтиришмоқчи...

С. Тожибоев суҳбатимиз чоғида Карл Маркс номли колхоз аъзоси Марьям Зоитованинг бир ярим қутидан 150 килограмм, Собир Раҳимов номли колхоздан Азиза Толипованинг бир қутидан 121,5 килограмм, «Ленин йўли» колхози аъзоси Мамлакат Манзурбоеванинг бир қутидан 101 килограмм, «Тошкент» совхозидан эса Ася Тоҳированинг бу йил мўл ҳосил етиштиргани — икки қутидан 183 килограмм юқори сифатли пилла топширганини айтиб ўтди.

Дарҳақиқат, ҳозир ҳам бош пиллахона ишчи-хизматчилари мавсум бошидагидек бир маромда меҳнат қилишяпти. Чунки, план бажарилгани билан ҳосил мўл. Мажбурият ҳисобига пилла келтириляпти.

**М. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.**

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шаҳар, район партия комитетларига, пассажирлар ташиш область автотрести бўлинмаларининг бошланғич партия ташкилотларига аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш савиясини яхшилаш иши юзасидан назоратни кучайтириш топширилди.

Область партия комитетининг бюроси кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишлар фактларига қатъий барҳам беришга қаратилган тадбирларни муҳокама қилди. Шу нарса таъкидландики, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик фактлари ҳамон тарқалган ҳодиса бўлиб турибди. Қўшиб ёзишлар ва давлат ҳисоб-китобидаги чалкашликларнинг кўпдан-кўп фактлари Олмалиқ шаҳри, Бўка, Паркент, Янгийўл, Чиноз, Собир Раҳимов районларининг корхона ва ташкилотларида аниқланди. Чунончи, Калинин районида статистика органлари текширган 15 та объектдан 9 тасида қўшиб ёзиш, ҳисобот маълумотларини чалкаштириш ҳоллари аниқланди. Бироқ район ижроия комитети буни муҳокама қилиш билангина чекланди, айбдор шахсларга нисбатан принципиал талабчанлик қилмади ва ҳисоб-китобларни яхшилашнинг конкрет чораларини кўрмади. Калинин район партия комитети ҳам бу хунук фактни эътиборсиз қолдирди.

Қурилиш, савдо ва маиший хизматда, маҳаллий саноат корхоналарида, транспортда қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликлар сони суст камаймоқда. Чунончи 120-колхозлараро кўчма колонна, область ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси 1987 йил 4 февралда Паркент шаҳрида 784 ўқувчи ўринли мактаб ишга туширилганлиги тўғрисида ҳисоб бердилар, ваҳоланки, 20 минг сўмликка яқин бажарилмаган ишлар мавжуд эди. Топширилган мактабда спорт иншоотлари, иккинчи трансформатор, ошхонадаги холодильник ускунаси йўқ эди. Паркент район ижроия комитети раисининг ўринбосари З. С. Салимовнинг принципсиз позицияси ана шунга олиб келди. У 1987 йил 9 январда мазкур мактабни давлат қабули актини тасдиқлаш тўғрисидаги район ижроия комитети қарорига қўл қўйди.

Область агросаноат комитетининг қурилаётган 11-совхозлар бирлашган дирекцияси шу йилнинг январь-февраль ойлари учун ҳисоботида канализация, электр ва сув билан таъминлашда бажарилмаган ишларни қабул қилиш тўғрисида давлат комиссиясининг актисиз Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» пахта заводида 140 ўринли болалар боғчаси ишга туширилган деб кўрсатди. Дирекция умумий саҳни 190 квадрат метрлик 2 та уйни ишга туширилганлиги учун ҳам худди шундай йўл билан ҳисоб берди.

Область маҳаллий саноат бошқармасининг Калинин районидаги хўжалик-рўзғор буюмлари фабрикаси раҳбарлари 1986 йил январь-ноябрь ойлари учун маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олиб маҳсулот реализацияси планини 95,6 процент бажарилган деб кўрсатдилар, аслида 77,7 процент бажарилган эди. Реализация ҳажми 709 минг сўмлик ошириб кўрсатилди. Шу йилнинг январь ойида Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тажриба-экспериментал устахоналари дирекцияси маҳсулот реализацияси плани 100 процент бажарилган деб ҳисоб берди, аслида план 88 процент бажарилган эди.

Қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачилик фактлари мавжудлигига қарамай айрим шаҳар ва район партия комитетлари бепарволик қилмоқдалар, уларга баҳо беришда принципиал ёндашмаяптилар, бу ҳодисанинг катта сиёсий зарарини унутиб қўймоқдалар. Бекобод, Чирчиқ шаҳар партия комитетлари, Ҳамза, Коммунистик, Куйбишев, Тошкент, Бекобод, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент район партия комитетлари давлатни алдаш фактларига қарши муросасиз кураш бошлаганлари йўқ.

Шу нарса ташвишлантирадики, қўшиб ёзиш фактлари одатда фақат контрол қилувчи органлар томонидан аниқланмоқда. Бу масалаларда бошланғич партия ташкилотлари, халқ контроли группалари ва постлари пассивлик кўрсатмоқдалар. Облсовпроф, бошланғич касаба союз ташкилотлари бу ярамас ҳолатга қарши курашда меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонунда кўрсатиб қўйилган ҳуқуқлардан фойдаланмаяптилар.

Ҳисоботдаги қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликлар ва давлатни алдаганлик учун область партия комитетининг бюроси область маҳаллий саноат бошқармаси хўжалик-рўзғор буюмлари фабрикасининг директори Ш. С. Содиқовни, 120-колхозлараро кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Т. Мавжиддиновни, область агросаноат комитетининг 11-қурилаётган совхозлар бирлашган дирекцияси директори Г. А. Султоновни партиядан ўчирди ва улардан бундан кейин раҳбарлик лавозимларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ эмас, деб топди. Паркент район ижроия комитети раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси З. С. Салимовга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди, у вазифасидан бўшатилди. Шу нарса таъкидландики, Калинин район ижроия комитетининг раиси Б. Жуманиёзов қаттиқ жазога лойиқдир. Унинг партиявий жазоси борлигини ҳисобга олиб бюро уни муҳокама қилиш билан чекланди ва бу масалага шу йил охирида қайтишга қарор қилди.

Тошкент ва Ҳамза район партия комитетларига Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тажриба-экспериментал устахоналари директори коммунист Е. Касаев ва область ижроия комитети капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи коммунист Т. Ш. Аҳмедовларнинг жавобгарлигини кўриб чиқиш топширилди.

Шаҳар ва район партия комитетларига область партия комитетининг мазкур қарорини барча бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиб, тегишли чоралар кўриш топширилди.

Бюро йиғилишида социалистик мулкни ўғирлашлар, порахўрлик, чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидланишича, областнинг бир қатор партия комитетлари бу муаммонинг ниҳоятда кескинлигига қарамай ўғирликлар, порахўрлик ва чайқовчиликка қарши курашга нисбатан кампаниячилик қилдилар. Кейинги икки йил ичида 16 та шаҳар ва район партия комитетлари, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари бу масалаларни жиддий муҳокама қилмадилар, ваҳоланки, 1986 йилда ўғирликлар туфайли жиноий ишлар юзасидан давлатга келтирилган зарар ортиб кетди. Кейинги икки йил ичида кўплаб мансабдор шахс порахўрлик учун жиноий жавобгарликка тортилди, 2 мингдан ортиқ чайқовчилик фактлари аниқланди.

Тошкент, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларининг гўшт-сут ва озиқ-овқат саноати корхоналарида, Оҳангарон, Калинин ва Тошкент районларининг совхоз ва колхозларида майда ўғирликлар ҳамон давом этмоқда.

Партия комитетлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу ишда меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни қоидаларидан ёмон фойдаланмоқдалар.

Область партия комитети шаҳар ва район партия комитетларига ғаразли жиноятларга қарши курашнинг аҳволини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уни яхшилаш юзасидан конкрет чоралар кўришни топширди.

Область партия комитети бюросининг мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

---

## РЕВОЛЮЦИЯ ОДИМЛАРИ:




### ҲАФТАМА-ҲАФТА

### ЛЕНИН ВА ОКТЯБРЬ

**Омма учун кураш бу даврнинг энг асосий ва ҳал қилувчи муаммоси бўлиб қолди. Ленин бошлиқ большевиклар бутун диққат-эътиборни шу масалага қаратдилар.**

**Марказий Комитет ва маҳаллий партия ташкилотлари партия аъзолари сафини илғор ишчилар, солдатлар, деҳқонлар ва интеллигенция вакиллари ҳисобига кенгайтиришга алоҳида эътибор бердилар. Марказий Комитет билан маҳаллий партия ташкилотлари ўртасидаги алоқа кун сайин мустаҳкамланиб борди. Узоқ Туркистондаги социал-демократик ташкилотлар ҳам бундан мустасно эмасди.**

# ОММА УЧУН КУРАШ

В. И. Лениннинг ҳафта давомида завод ва фабрикаларда, митинг ва йиғилишларда, турли касб эгалари орасида сўзлаган ўнлаб нутқлари, «Правда» ва бошқа большевистик матбуот саҳифаларидаги чиқишлари шу масалага қаратилган эди.

Мамлакатда сиёсий аҳвол бу даврда омманинг янада революционлашиб бораётганлиги билан ажралиб турарди. Буржуа Муваққат ҳукумати революция илгари сурган масалалардан бирортасини ҳал эта олмас, тўғрироғи, ҳал этишни ҳоҳламас эди, кучайиб бораётган иқтисодий вайронликка қарши биронта тадбир кўришдан ожиз эди. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, бир томондан большевиклар, иккинчи томондан буржуазия ва майда буржуазия партиялари оммага ўз таъсирини ўтказиш учун шиддатли кураш олиб бораётган эдилар. В. И. Ленин «Правда»да босилиб чиққан «Мустаҳкам революцион ҳокимият тўғрисида» сарлавҳали мақоласида таъкидлаб кўрсатганидек, бу даврда Россияда аҳолининг кўпчилиги, нақ пролетарлар ва ярим пролетарлар, яъни ишчилар ва камбағал деҳқонлар ҳис-туйғу, сезги, майл жиҳатидан капиталистларга қарши революцияга хайрихоҳ эдилар. Аммо ҳали онглари очилганича йўқ ва шунга кўра, қатъият ҳам етишмас эди. Большевикларнинг асосий вазифаси — ана шу туйғуларни изчиллик ва қатъият билан ривожлантиришдан иборат эди.

Ленин таъкидлаб ўтганидек, бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтиши учун олиб бориладиган курашда меҳнаткашларнинг биринчи ва асосий синфий душмани буржуазия эди. Буржуазия Советларда кўпчилик бўлиб олган муросачилар ёрдамига таянар эди. Вазифа буржуазияни ана шу таянчдан маҳрум этиш, Советлардаги ва бошқа оммавий ташкилотлардаги раҳбарликни эсерлар ва меньшевиклар қўлидан тортиб олиб уларни яккалаб қўйишдан иборат эди.

Партия ўзининг асосий ишларини оммавий ташкилотларда, аввало, ишчи ва солдат депутатлари Советларида, деҳқонлар депутатлари Советларида ва солдат комитетларида олиб борди.

Губерня ва уезд марказларида пайдо бўла бошлаган деҳқон депутатлари Советларининг сони 1917 йил май ойи охирларига келиб қарийб 400 тага етиб қолган эди. Армияда, фронтда ҳам, гарнизонларда ҳам барча рота, полк ва юқори қўшилмаларда солдат комитетлари ташкил қилинди.

Апрель ойи ўрталаридаёқ ташкил этилган ва РСДРП (б) Петроград комитети қошидаги ҳарбий ташкилотнинг нашр афкори сифатида чиқа бошлагач кундалик большевистик «Солдатская правда» газетаси 1917 йил 19 май (1 июнь) дан бошлаб РСДРП (б) Марказий Комитети қошидаги ҳарбий ташкилотнинг органига айланди. Газета айниқса, Петроград ишчилари ва солдатлари ўртасида довруғ қозонганди. «Солдатская правда»нинг ташкилотчиси, ғоявий илҳомчиси ва етакчи публицистларидан бири В. И. Ленин эди. Газетанинг биринчи сони Лениннинг «Солдатлар ва ер» мақоласи билан очилганлиги диққатга сазовор фактдир. Умуман, газетада В. И. Лениннинг элликдан ортиқ мақолалари, нутқлари, хитобномалари ва бошқа материаллари чоп этилганди.

Май ойи бошларида ташкил топган ва 1917 йил 17 (30) майдан РСДРП(б) Рига комитети қошидаги ҳарбий ташкилотнинг органи сифатида чиқа бошлаган «Окопная правда» газетаси ҳам солдатларнинг кенг қатламларини революционлаштиришда катта роль ўйнади.

Партия ва унинг жойлардаги маҳаллий ташкилотлари касаба союзларида, фабрика-завод комитетларида ва бошқа оммавий ташкилотларда қизғин иш олиб бордилар. Шу тариқа партия қадам-бақадам меҳнаткашларга большевистик ғояларнинг ҳаққонийлигини уқтириб борди. Мамлакатдаги касаба союзлари бу даврга келиб сон жиҳатидан анча ўсган, ташкилий жиҳатидан ҳийла мустаҳкамланган эди. 1917 йил май ойи охирларига келиб Россияда икки мингга яқин касаба союз ташкилоти бўлиб, уларнинг аъзолари сони 1,5 миллиондан ортиқ кишини ташкил этарди. Туркистон ўлкасида ҳам касаба союз ҳаракати бу даврга келиб анча кенг қулоч ёйди. Қайта тикланган ва янгидан вужудга келган касаба союзлари ишчиларининг буржуазияга қарши муваффақиятли курашини таъминлади.

Буржуазия ва муросачиларга қарши кураш Советларда фракциялар ташкил этиш билан қўшиб олиб борилди. Бу фракциялар орқали большевиклар Советларнинг сиёсий фаолиятига таъсир этиб бордилар. Кўпгина Советлар жойларда халқ манфаати нуқтаи назарини кўзлаб иш юритдилар: тўғридан тўғри ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма соҳасини ўз қўлларига олдилар. Муайян иш кунини белгиладилар. Меҳнат шароитини яхшилаш тадбирларини кўрдилар, ишчиларни ишдан бўшатиш ва ишга қабул қилиш устидан назорат ўрнатдилар, меҳнаткашларнинг ойлик маошларини оширишга эришдилар.

Деҳқон депутатлари Советлари большевиклар раҳбарлиги остида таъсис мажлисини кутиб ўтирмай помешчик ерларини тортиб ола бошладилар. Кенг деҳқонлар оммасини большевиклар томонига оғдириб олишда Владимир Ильич Лениннинг 22 май (4 июнь) да деҳқон депутатларининг биринчи Бутунроссия съездида сўзлаган нутқи жуда катта роль ўйнади. Владимир Ильич съезд делегатларига очиқ хат билан мурожаат қилди, большевиклар номидан резолюция лойиҳасини киритди, ниҳоят аграр масала юзасидан большевистик платформани баён этди. Съездда вазият ниҳоятда оғир эди. Делегатларнинг кўпчилиги эсэрлар пропагандасининг таъсирида коалицион муваққат ҳукуматни қувватлаш кайфиятида эди. Асосий масала бўлган аграр масала юзасидан эсэрлар ўзларининг энг яхши нотиқларини сўзга чиқаргандилар. Улар: большевикларнинг помешчиклар ерларини дарҳол тортиб олиш керак, деган сўзларига қулоқ солманглар, — деб деҳқонларни ишонтирмоқчи бўлдилар.

Ленин мамлакатда ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг мустаҳкам ҳокимиятини вужудга келтириш, Таъсис мажлисини кутиб ўтирмай, деҳқонларнинг ер комитетлари помешчикларнинг ерларини уюшқоқлик билан тортиб олишлари, ернинг ҳаммасини умумхалқ мулкига айлантиришлари кераклиги ҳақидаги чақириқларини жойлардан келган делегатлар бутун Россияга ёйдилар.

* * *

Шу ҳафта давомида Туркистон ўлкасининг турли чеккаларида, хусусан Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкентдаги бош устахонасида, Тошкент шаҳар Сквер майдонида ва бошқа жойларда юзлаб, минглаб ишчилар қатнашган митинглар бўлиб ўтди. РСДРП(б) Тошкент группаси томонидан уюштирилган бундай митингларда демократик республика ўрнатиш, кундалик воқеалар ва урушга муносабат масаласи каби муаммолар, шунингдек Советларнинг I Бутунроссия съездига делегат этиб сайланган А. Я. Першинга бериладиган наказлар муҳокама қилинди.

Деҳқон депутатлари Совети Тошкент уезди делегатларининг 22 май (4 июнь) да бўлиб ўтган кенгаши ўлка деҳқонлар съездини чақириш ва жойларда Советлар барпо этиш ҳақида қарор қабул қилди. Шу вақтга қадар ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советининг нашр афкори бўлиб келган «Наша газета» 1917 йил 19 май (1 июнь) дан бошлаб Туркистон ўлка ишчи ва солдат депутатлари Советининг органига айланди. Бу эса унинг омма орасидаги таъсир доирасини кенгайтириш имконини берди.

**В. АБДУЛЛАЕВ,**
**В. И. Ленин номидаги ТошДУ доценти.**

---

*Сиёсий докладчиларга ёрдам*

# ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНИДА ҲАР БИР КИШИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ БЎЛСИН

**ШУ ЙИЛ 12 ИЮНДА УТАДИГАН ЯГОНА СИЕСИЙ КУН МАВЗУСИ АНА ШУНДАЙ**

ПАРТИЯ социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун курашга бутун халқни сафарбар этмоқда. КПСС ташаббуси ва унинг раҳбарлигида авж олиб кетган революцион қайта қуриш жамиятнинг барча соғлом кучларини жумбушга келтирди, у миллионлаб совет меҳнаткашларининг амалий иши бўлиб қолди. Қайта қуриш мароми Тошкент области меҳнаткашларининг конкрет ишларида ва муваффақиятларида тобора кўпроқ сезилмоқда.

Партия меҳнаткашларнинг юксак онглилигига, гражданлик виждонига катта аҳамият бермоқда. Совет кишилари партия томонидан белгиланган ва амалга оширилаётган чораларнинг моҳиятини чуқур тушунмоқдалар. Чунки улар пировард натижада ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Айни вақтда худди шу революцион қайта қуриш мамлакат тақдири учун ҳар бир совет кишиси — коммунист ва партиясиз, ишчи ва ўқувчи зиммасига юксак масъулият юклайди. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, қайта қуриш иши, жамиятни революцион янгилаш иши, мамлакат тақдири халқ қўлидадир, бу тақдир ўзимизнинг умумий меҳнатимиз, ақл-заковатимиз ва виждонимиз билан қандай бунёд этсак, шундай бўлади.

Бутун совет халқи социал-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда, КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини амалга оширишда онгли, фаол иштирок этмаса, социализмни такомиллаштириш мумкин эмас. Ҳар бир совет кишисининг зўр матонат ва самара билан меҳнат қилиши шароитидагина кенг қамровли режалар амалга ошиши мумкин.

Партия ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифасини актив, дадил, ижодий, асосли ҳаракат қилишда кўрмоқда. Социалистик демократиянинг чуқурлаштирилиши ҳам, социал соҳаларни тез ривожлантириш ҳам, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳам, инсон омилини активлаштириш ҳам шу вазифани бажаришга қаратилгандир.

Мамлакатимиз миқёсларида ҳар бир кишининг жадаллаштиришга қўшган ҳиссаси унчалик сезиларли бўлмаслиги мумкин. Бироқ, ҳатто бир киши қайта қуришдан четда қолса умумишнинг муваффақияти таъминланмаслиги мумкин.

Бизнинг давримиз — революцион жадаллаштириш даври минглаб ҳақиқатан ҳам ўз ишининг усталарини олдинга сурди. Уларни халқимиз қайта қуриш стахановчилари деб атамоқдалар. Бундай кишилар ҳамма жойда, кўпгина меҳнат коллективларида бор. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, жамиятни янгилаш учун, қайта қуриш учун курашаётганлар, қуруқ сўз ва ваъдалар билан эмас, новаторона, сидқидилдан меҳнат билан курашаётганлар кун сайин кўпайиб боришлари керак. Фақат бир йўл билан — самарали, юксак унумли меҳнат билан жадаллаштиришга эришиш, бутун ҳаётимизнинг сифатини ошириш мумкин.

Шуниси ҳам сир эмаски, илгари қўл учида ишлаш, меҳнатсиз маош олиш, ноҳақ мукофотлар, ўзаро талабчан бўлмаслик, назоратсизлик ва масъулиятсизлик кўпчиликка маъқул эди. Ҳозир ҳам улар айримларга маъқул бўлмоқда. Бизнинг режаларимиз тўла амалга ошиши, моддий ва социал фаровонлигимиз янада ортиши учун вақт ва куч-ғайрат ҳамда энг муҳими амалий ҳаракат керак.

Қайта қуриш бу ҳар бир иш жойида, ҳар бир меҳнат кишиси келтираётган самаранинг ортиши демакдир. Ишчи, колхозчи, хизматчи, инженер, олим, ўқитувчи, министр, партия ходими, қисқаси, қандай мансабни эгаллашдан қатъий назар ҳар биримиз зўр ғайрат-шижоат билан виждонан меҳнат қилишимиз керак.

Шуни эътироф этиш керакки, қайта қуриш кўпчиликка куч-ғайрат бағишламоқда. Лекин у ёқмаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Кимки лоқайдлик билан ишлашга, бефарқликка, фаолиятсизликка, ташаббуссизликка ўрганиб қолган бўлса унга маъқул бўлмаяпти.

Бунинг ажабланарли жойи йўқ, уни кутилмаган бир ҳодиса деб бўлмайди. Аксинча, қайта қуриш ҳаммага — ҳалол кишилар ва нопокларга, меҳнатсеварлар ва дангасаларга, актив, принципиал кишилар ва ҳаддидан ошган ходимларга баббаравар маъқул десак тўғри бўлмайди, албатта. Бироқ, қайта қуриш муҳолифлари орасида соф виждонли кишилар ҳам борлигини унутмаслик керак. Улар ҳали ҳам эски тушунчалар қобиғида қолмоқдалар, жамият олдида пайдо бўлаётган муаммоларнинг ўткирлиги ва кескинлигини тўла англай олмаяптилар. Биз уларнинг онгига ишонтириш билан таъсир қилишимиз, уларда ишимизнинг тўғрилигига, қайта қуришнинг муваффақиятларига ишонч ҳосил қилишимиз лозим. Бундай кишиларга ўзининг ҳақиқий манфаатларини, жамиятда, жадаллаштириш учун бораётган умумхалқ курашида ўз ўрнини топиб олишга ёрдам беришимиз керак.

Қайта қуриш жуда мураккаб ишдир. У нафақат фидокорона меҳнат ва вақтни талаб қилади. Партия томонидан қабул қилинган қарорлар ҳозирча суст амалга оширилмоқда. Қайта қуриш кўпинча қўшиб ёзиш билан алмаштирилмоқда. Экономика, социал соҳа, сиёсий ҳаётни демократлаштиришдаги кўпгина куч-ғайратлар мутаассиблик, қолоқлик, масъулиятсизлик ва лоқайдлик тўсиғига учрамоқда.

Тажриба сўз билан иш ўртасидаги тафовут сиёсатнинг обрўсига ниҳоятда катта путур етказишини кўрсатиб турибди. Бироқ, шунга қарамай ҳозир ҳам ваъдабозлар, аравани қуруқ олиб қочувчилар бор. Сўз билан иш ўртасидаги фарқ ҳамон давом этмоқда. Бунга тўла хотима бериш вақти келди, партия XXVII съезди шуни талаб қилди.

Лекин Ленин сўзлари билан айтганда «Тарихда бўлиб ўтган жиддий ва кучли халқ ҳаракатларининг ҳеч қайсиси ифлос кўпиксиз бўлган эмас, яъни бундай ҳаракатлар вақтида тажрибасиз новаторлар орасига авантюристлар ва муттаҳамлар, мақтанчоқлар ва шаллақиларнинг кириб қолиши, беҳуда ғалва, тўс-тўполон, ўринсиз югуриб-йўртиш, баъзи бир «йўлбошчилар»нинг бирданига 20 ишга ёпишиб, биттасини ҳам охирига етказмаслиги каби ҳоллар ҳамиша бўлиб турган.»

Бугунги кунда гап ҳақиқатан ҳам чуқур ва қудратли ҳаракат тўғрисида бормоқда. Бироқ айни вақтда ана шу прогрессив ўзгаришларга ғов бўлаётган камчиликларни ҳам унутмаслик, бундай тўсиқларни бартараф этиш учун кескин кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида ҳам бормоқда. Эскича, осойишта, тўғрироғи турғун ҳаёт тарзига ўрганиб қолганлар тараққиётимизни секинлаштирмоқдалар. Шу билан бирга маъмурий ҳукмронлиги ва имтиёзлари камайиб қолаётган, ҳуқуқлари камайиб, вазифаси кўпайиб бораётганлар шунга ғов бўлмоқдалар. Бизда ҳали дангасалик қилаётган, бракка йўл қўяётган, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузаётган ходимлар кўп. Улар ҳам қайта қуриш йўлига тўсқинлик қилмоқдалар.

Бундай камчиликларни бартараф этиш учун партия комитетлари, хўжалик раҳбарлари, бутун жамиятнинг қабул қилинган қарорларни бажаришга куч-ғайратини марказлаштириш керак. Бу энг муҳим, энг ҳаётий ва ижтимоий эҳтиёждир. Худди ҳақиқий социалистик демократия ўзгаришларнинг суръатлари, миқёслари ва чуқурлилигини ҳал қилувчи даражада белгилайди. Меҳнаткашларнинг коллектив ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг кенгайиши кадрларнинг давр талабларига мувофиқлиги даражасидан далолат беради. Социалистик демократия, агар у соғлом негизга эга бўлса, хатоликларнинг олдини олишга, гарчи уларга йўл қўйилган бўлса ҳам, уларни тез бартараф этишга ёрдам беради. Бу демократия жамиятимизга ёт бўлган қусур-бюрократизмнинг тормор қилинишига хизмат қилади.

Партия демократияни кенг ривожлантириш орқали жадаллаштириш ва қайта қуришнинг аниқ программасини ишлаб чиқди. Ҳар биримиз шундай демократия шароитларида ишлашга ўрганишимиз керак. Айниқса партия ходимларининг масъулияти юқори бўлади. Чунки партия ходими кишилар виждони ҳисобланади. Агар у виждонини йўқотса, эгаллаб турган вазифасини суистеъмол қилса, ахлоқан нопок бўлса партиянинг халқ ўртасидаги обрўсига катта путур етказади. Бундай кишиларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш, уларни ҳеч вақт хаспўшламаслик, айбларидан кўз юммаслик керак.

Ишчи ва деҳқон нуқтаи назаридан социалистик демократизмнинг ривожланиши фақат коллективда ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, муносабатларда инсонийликни кучайтириш, шахсни улуғлашгина бўлиб қолмай шу билан бирга интизомни мустаҳкамлаш, коллектив ва жамиятнинг барчанинг иши учун масъулиятини ошириш ҳам демакдир. Демократия шароитларида яшаш ва ишлаш эски сарқитлар билан алоқани қатъий узиш давримиз суриб ташлаган иллатлардан воз кечиш демакдир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Партия ва ишчи йиғилишларининг, матбуотда чиқишларнинг, лекцияларнинг, сиёсий ва иқтисодий ўқув системасидаги машғулотларнинг баҳс, мунозара характерда бўлишини ҳар тарафлама рағбатлантириш лозим. Шу йўл билан кишиларни янги социал ва сиёсий практикага жалб этиш, ғоявий воситаларга янгича муносабатда бўлишларини шакллантириш лозим. Бу ҳозирги кунда партия, оммавий-сиёсий, пропаганда ишининг энг асосий вазифаларидан биридир. Танқид маданиятини, баҳслашиш ва мунозара маданиятини тарбиялаш керак, танқид ва мунозаралар ишончли, асосли, демократик бўлиши керак. Танқидга бўлган бундай талаблар уни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш йўлидир.

Бироқ, айрим раҳбарларга фикрлашда қандайдир икки хилликка йўл қўйиш хос бўлиб қолмоқда. Улар партиянинг мамлакатда вужудга келган вазиятга берган принципиал баҳоси ва хулосаларини сўзда табриклаб, ўз ишларига баҳо беришда худди ана шундай талабчанликка амал қилишга шошилмаяптилар. Улар турғунлик, мутаассиблик, лоқайдлик бизнинг коллективимизда йўқ деб ҳисоблайдилар, суръатларнинг пастлиги, сифатнинг ёмонлиги бизнинг айбимиз билан бўлмаяпти, деб ишонтирмоқчи бўладилар, маҳсулотнинг рақобат қилиш даражасини ошириш учун ҳеч қандай куч-ғайрат сарфламайдилар. Улар ўз-ўзини бошқарув, реал демократизм шароитларда ўз масъулиятларини сезмаяптилар, вужудга келаётган муаммоларни улар учун бошқалар ҳал қилиб бермоқда.

Ҳозирги вақтда ҳар бир инсон қайта қуришни ўзидан бошлаши керак. Ўзига янги давр кўзгуси орқали разм солиш учун дадиллик, ҳалоллик, ўз-ўзини танқид зарур, кибр-ҳавони бартараф этиши лозим. Шундай қилмаслик салбий ҳодисадир, агар раҳбар лавозимларда ишлаётганларда юқоридаги фазилатлар шаклланмаса янада ачинарлидир.

Жадаллаштириш ва қайта қуриш мавҳум тушунча, шунчаки шиор, даъват ёки тарқоқ қоидалар йиғиндиси эмас. Бу ҳамманинг жонажон иши, ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир меҳнаткашнинг аниқ ишидир. Бунда амалий ҳаракат қилиш, актив гражданлик позицияси талаб этилади.

Қайта қуриш учун ленинчасига, большевиклар революция ғалабаси учун, социализм ғалабаси учун курашганларидек астойдил, қатъий курашиш керак.

**Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг лекторлар группаси.**

(Ягона сиёсий кунга доир мақола «Ташкентская правда» газетасининг 9 июнь сонида эълон қилинади).

---

## ЧОП ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

### ҚОҲИРАДА ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

ҚОҲИРА, 4 июнь. (ТАСС). Миср мусулмон экстремистлари яна бир террорчилик ҳаракати қилдилар. Кеча кечаси улар «Ал-Мусаввар» газетасининг бош редактори, «Дор ал-Ҳилол» нашриёти маъмурий кенгашининг раиси Макрам Муҳаммад Аҳмаднинг жонига қасд қилдилар. МЕНА агентлигининг хабар қилишича, Мисрнинг таниқли журналисти автомобилига номаълум уч киши ўт очиб, уни жароҳатлантирган. Жиноятчилар яшириндилар. Шу билан кейинги ойда Қоҳирада экстремистлар учинчи террорчилик ҳаракатини қилишди. Бундан аввал улар МАРнинг собиқ ички ишлар министри Ҳасан Абу Баши ва америкалик икки дипломат жонига қасд қилгандилар. Маҳаллий матбуот М. М. Аҳмадга ҳужумни унинг яқинда эълон қилинган мусулмон мутаассиблари қўпорувчилик фаолиятини фош қилувчи мақолалари билан боғлиқ, деб ҳисобламоқда.

### ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, 4 июнь. (ТАСС). Шу йил май ойида 120 дан кўп ливанлик ҳалок бўлди. Маҳаллий газеталарнинг хабарига кўра, уларнинг ярмидан кўпроғи фаластинликларнинг лагерларида ва Ливан жанубидаги қишлоқларда яшаган кишилардир. Улар Исроил авиациясининг ваҳшийларча бомбардимони, босқинчиларнинг аҳоли пунктларини ўққа тутиши ва жазо операциялари қурбони бўлдилар.

Қўғирчоқ «Жанубий Ливан армия»сига мансуб газандалар кеча БМТнинг муваққат кучлари составидаги Непал контингенти бўлинмасини пулемётдан ўққа тутдилар. «Ас-Сафир» газетасининг бугун ёзишича, май ойининг ўзидагина Исроил ва унинг гумашталари БМТ қўшинларига қарши тўрт марта ҳарбий иғвогарлик қилганлиги қайд этилди. Исроил «хавфсизлик зонаси» деб аталган зонада ўз қўшинлари ва техникасини тўплашни давом эттираётганлиги тўғрисида хабарлар келиб турибди. Бугун танклар ва бронетранспортерлар колоннаси чегарани кесиб ўтиб, зона ичкарисига қараб йўл олди. Исроил танклари Бекаа водийсининг жанубий қисмидаги Килия ва Зиллая қишлоқларини ўққа тутдилар.

### ЗАИР БЎЛИНМАЛАРИ УГАНДАГА БОСТИРИБ КИРДИ

КАМПАЛА, 4 июнь. (ТАСС). Заир ҳарбий хизматчилари мамлакат ғарбида Уганданинг Дистрикте Аруа территориясига ҳуруж қилдилар, деб хабар берди чоршанба куни Уганданинг «Нью Вижн» газетаси. Ҳужум чоғида чегарабузарлар угандалик аскарни ўлдирганлар, 13 та турар-жой биносига ўт қўйганлар, уй ҳайвонларини ҳайдаб олиб кетганлар, деб ёзади газета. Унинг эслатишича, бир неча ой муқаддам Небби районида қилинган мана шундай ҳуруж вақтида Заир территориясидан бостириб кирган шахслар деҳқонларнинг 80 та кулбасини ёндириб юборган эдилар.

